O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 27 декабрь, № 251 (4150) Чоршанба

Ўз касбининг фидойилари

Мамлакатимизнинг темир йўллари хусусида гап кетганда, албатта, Қўқон локомотив депоси ҳам тилга олинади. Бу бежиз эмас. Чунки 600 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамоада сифат ва самарадорликка бирламчи вазифа сифатида қаралади. Шу билан бирга, корхонада поездлар ҳаракати хавфсизлигини ва меҳнат муҳофазасини таъминлашга ҳамиша масъулият билан ёндошилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида корхона томонидан ташиш режаси 104,6 фоизга уддаланди. Кўтарма ва жорий таъмирлаш, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш салмоғи ортиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26 та тепловоз қўшимча таъмирдан чиқарилди.

Шуғина эмас, қўқонлик темирйўлчилар жорий йилнинг 9 ойида 28922 минг сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариб, аҳолига салкам 24 миллион сўмлик турли пуллик хизмат ҳам кўрсатишди.

"Яхши дам – меҳнатга ҳамдам" деганларидек, корхона маъмурияти томонидан ишчи-хизматчиларнинг кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Хусусан, уларга "Ҳумсон", "Назарбек", "Чимён" каби соғломлаштириш масканларига имтиёзли йўлланмалар берилмоқда.

Корхонанинг тажрибали машинисти Эсонали Қўзибоевни ўз касбининг фидойиси дейиш мумкин. 33 йиллик тажрибага эга бўлган бу инсон ҳозирда тепловоз бошқариш сирларини издошларига ҳам қунт билан ўргатиб келмоқда.

СУРАТДА: машинист Эсонали Қўзибоев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 30 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **128¹-модда** билан тўлдирилсин:

«128¹-модда. Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши

Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши, —

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «128-моддасининг тўртинчи қисми» деган сўзлардан кейин «128¹-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **248-модданинг:**

биринчи қисми «128» рақамидан кейин «-моддалари, 128¹-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми 5, 6 ва **7-бандлари** «129-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлардан олдин «128¹-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **287-модданинг 1-банди** «128» рақамидан кейин «128¹» рақами билан тўлдирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун 2007 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 26 декабрь
№ ЎРҚ – 73

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн беш йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1,2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) 2007 йилнинг 5 январигача «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишонлари ва гувоҳномаларининг бланклари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби М.Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 26 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 26 декабрдаги ПФ-3837-сон
Фармонига 1-илова

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони тўғрисида
НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони билан давлатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучлар қурилишига муҳим ҳисса қўшган шахслар, ўзининг юксак касб маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун бўлган жанговар ҳаракатларда иштирок этган ва захирага бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёки яраланган ва шикастланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари тақдирланадилар.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони номидан қўшилма командири ва юқори турувчи мансабдор шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

3. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони вазирликлар ҳамда мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари идоралари раҳбарларининг буйруқлари асосида мукофотланганларга топширилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 26 декабрдаги ПФ-3837-сон
Фармонига 2-илова

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони
ТАВСИФИ



«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» эсдалик нишони 0,25 микронгача қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томонида балқиб чиқаётган қуёш фонида Ҳумо қуши акс эттирилган. Ҳумо қушининг тагида саккиз қиррали юлдуз жойлашган бўлиб, унинг ўртасида кесишаётган икки қилич билан қалқон (Амир Темурнинг ҳарбий аслаҳалари) тасвирланган. Нишоннинг юқори қисмида доира бўйлаб «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 15 yil» ёзуви мавжуд. Нишоннинг пастки қисмида тасвирланган лентага Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига асос солинган йил ва юбилей санасини англатувчи 1992-2007 рақамлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Эсдалик нишони эни 24 миллиметрли мовий-ҳаворанг шойи тасма билан қопланган беш қиррали колодкага ҳалқача ёрдамида туташтирилади. Тасма эни 2 миллиметрли сариқ рангдаги йўл билан ҳошияланган. Тасма ўртасидан эни 7 миллиметрли яшил рангли йўл ўтган.

Тасвирлар ва ёзув қаварикдир.

Эсдалик нишонининг қирралари бўртиқ ҳошияланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноий жазодан озод этишнинг тури сифатида шартли ҳукм қилишни қўллаш берилаётган самараларга оид масала муҳокама этилди.

ШАРТЛИ ҲУКМ САМАРАЛАРИ

Мазкур қўмита раиси Н.Исмоилов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизнинг жиноят қонунчилиги қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, айб учун жавобгарлик, унинг муқаррарлиги принциплари билан бир қаторда, инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига асосланади. Жиноий жазодан озод этиш тури сифатида шартли ҳукм қилишни қўллашга оид қоида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасида назарда тутилганлиги инсонпарварлик ва одиллик принципларини рўёбга чиқаришнинг амалий ифодасидир. Ушбу моддада агар суд жазоларни тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкинлиги кўрсатилган.

Судлар томонидан жазо тайинлашда адолат ва инсонпарварлик принципларидан келиб чиқиб, шартли ҳукм қилишни қўллашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, судлар томонидан 2004-2005 йиллар ва жорий йилнинг тўққиз ойи давомида умумий судланган шахсларнинг 11,0 фоизига нисбатан шартли ҳукм қилиш қўллангани ўзининг ижобий натижасини берди. Қонунчилигимиз

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2007 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг манзили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни камол топтиришга йўналтирилган оммавий болалар спортини кенг ривожлантириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошира бориш, шунингдек болалар спорт комплексларини 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қуриш, реконструкция қилиш ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2007 йилги даромадлари ва харажатларининг прогноз параметрлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан "Даварҳитектқурилиш" қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тайёрланган, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш аниқ

(Давоми 2-бетда).

ГЎЗАЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК КУЙЧИСИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов муборак 70 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтган адабий кечада ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, талаба ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шоир юбилейи муносабати билан йўллаган табригини Президентнинг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Унда шундай дейилади: "Авваламбор, Сизни ҳаётингиздаги қутлуғ сана – муборак 70 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Эл-юртимиз Сизни бир умр эзгулик ва гўзалликни, халқимизнинг озодлигини, унинг олижаноб фазилатларини юксак маҳорат билан тараннум этган ҳассос шоир ва таниқли жамоат арбоби сифатида билади ва эъзозлайди. Сизнинг нафис ва дилбар ғазалларингиз, ёркин тафаккур руҳи билан йўғрилган шеър ва достонларингиз, драматик асарларингиз, жаҳон адабиётининг мумтоз намуналаридан қилган таржималарингиз китобхонлар қалбидан чуқур жой эгаллаб, халқи-

(Давоми 2-бетда).

ЭШИТДИНГИЗМИ?

2007 йил 1 январь куни Ер юзи аҳолисининг сони 6 миллиард 589 миллион кишига етади. Сайёрамизда ҳар сонияда 2,6 нафар чақалоқ дунёга келмоқда. Дунё аҳолиси ҳар ҳафтада бир ярим миллион, бир йилда 80 миллион нафарга кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2007 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг манзили аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

манзилли дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар:

республика ҳамда ҳудудий ташкилотлар ва корхоналарнинг, шунингдек хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ихтиёрий равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги ташаббуси 4-6-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан тақдим этилган, болалар спорти объектларини жиҳозлаш учун 2007 йилда импорт қилинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган спорт анжомлари ва ускуналари рўйхати 7-иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига:

2007 йилнинг 20 январигача пудрат ташкилотларининг моддий-техника базаси, иш тажрибаси мавжудлиги ва молиявий барқарорлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг аниқ манзилли дастурига киритилган объектлар бўйича тендер савдоларини якунлаш;

болалар спорти объектларида қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда намунавий лойиҳаларга, шунингдек тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва қоидаларига қатъий амал қилиш;

болалар спорти объектларини ихтиёрий равишда ҳомийлар ҳисобидан ташаббускорлик билан ва назоратсиз қуриш оқибатида белгиланган стандартларга амал қилмаслик ва мазкур объектлардан фойдаланиш меъёрларини бузиш ҳолларига олиб келувчи фактларга йўл қўймасликда шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 2007 йилда ишга туширилаётган болалар спорт комплексларини белгиланган талаб ва стандартларга мувофиқ зарур спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан ўз вақтида жиҳозлашни, шунингдек болалар, айниқса қизлар, ижтимоий мададга муҳтож оилалардан бўлган ўқувчиларни оммавий спортга кенг жалб этиш мақсадида улар учун спорт формалари ва жиҳозларини харид қилишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобварағига ўз вақтида келиб тушишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2007 йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича ажратилган маблағлардан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳудудий бўлимлари мақсадли фойдаланиши ва болалар спорти иншоотлари қурилиши объектларида харажатлар сметасига амал қилишини текширишни таъминласин ва олиб борилган ишлар тўғрисида Жамғарманинг Васийлик кенгашига ахборотнома берсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 26 декабрь.

ГЎЗАЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК КУЙЧИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мизнинг маънавий мулкига айланиб қолгани айниқса эътиборлидир.

Сиз бундан буён ҳам ўз фаолиятингиз билан адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, доимо ижодий қувончлар ёр бўлишини тилайман".

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева ва бошқалар Эркин Воҳидов асарлари адабиётимизни бойитишга, халқимиз маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

— Юртбошимизнинг самимий табриги қалбимни ҳаяжонга тўлдирди. Бу шеъриятимизга, адабиёт ва санъатимизга Президентимиз кўрсатаётган катта эътиборнинг яна бир намунасидир. Бундай ғамхўрлик ҳар қандай ижодкорни, жумладан мени ҳам халқимиз, Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона хизмат қилишга руҳлантиради, — деди Эркин Воҳидов.

Кечада Эркин Воҳидов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради, драматик асарларидан парчалар ижро этилди.

(ЎзА).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ШАРТЛИ ҲУКМ САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

бўйича жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситишни мақсад қилиб қўймаган. Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий жазо чораси оқилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Йиғилишда шартли ҳукм қилишга қаратилган қонунлар ижросининг самарадорлигини ошириш борасида ҳали анча ишларни амалиётга жорий этиш зарурати борлиги алоҳида таъкидланди. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан чиқарилган шартли ҳукм қилиш тариқасидаги ҳукмларни чиқаришда маҳкумлар зиммасига қонунда кўзда тутилган мажбуриятларнинг юклатилишига жиддий эътибор қаратиш, судлар чиқарган ҳукмларнинг сифатини янада ошириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда жиноий жазодан озод қилиш тури сифатида шартли ҳукм қилишнинг янада самарали йўлларини излаб топиш, бу борадаги қонунлар ижроси самарадорлигини оширишга эътибор қаратилиб, мавжуд муаммолар ечими бўйича таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Мамлакатимизнинг барча жойларида янги йил шодиёналари бошланмоқда. Бундай шукуҳли кунларда айниқса болаларнинг қувончи чексиз бўлади.

Байрам арафасида Фарғона шаҳрида халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 500 нафардан ортиқ кам таъминланган оилалар фарзандларига спорт кийимлари тақдим этилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбир катта спорт байрамига айланиб кетди. Унда ёшлар спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича ўзаро куч синашди.

Шундай тадбир Қўқон шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

МАДАНИЯТ

янгиликлари

Истиқлол субҳидамида ўз фаолиятини бошлаган Қорақалпоқ давлат қўғирчоқ театри ўтган 16 йил давомида мамлакатимизнинг қиррқа яқин профессионал театрлари орасида пешқадамлардан бирига айланди.

Каспий бўйига ташриф

Жорий йил Ўзбекистон — Қозоғистон давлатлараро муносабатлари, маданий ҳамкорлигида янги саҳифалар очилди. Қорақалпоқ давлат қўғирчоқ театрининг Каспий денгизи соҳилига, қардош Манқистов (Манғишлоқ) вилоятига ижодий сафари мазкур солноманинг ёркин саҳифаларидан бирига айланди.

Оқтов шаҳри наинки Манқистов вилояти маркази, саноатлашган порт, балки йирик маданият ўчоғи ҳам ҳисобланади. У ерда бир неча театр, шу жумладан, машҳур қўғирчоқ театри ҳам бор. Қорақалпоқ давлат қўғирчоқ театрининг Оқтовда намойиш этган спектакллари манқистовлик болаларда ўчмас таассурот қолдирди. Нукуслик санъаткорлар ижросидаги «Ориқ мерган», «Бедана ва тулки», «Шум эшак» спектакллари, айниқса, «Келинг, дўстлар, ўйнайлик» шоу-дастури долзарб мавзуси, бетакрор декорацияси, фалсафий мазмуни, ижтимоий салмоғи, болаларбоп мутойибаси билан Каспийбўйи томошабинлари кўнгилларида завқ уйғотди.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Имтиҳондан муваффақиятли ўтишди

Айтишларича, ҳеч қайси мамлакатда японлардек чой дамлаш маросимига катта эътибор билан ёндошилмайди. Ушбу машғулот бу халқ учун алоҳида бир санъат тури ҳисобланади.

Пойтахтимиздаги инсон ресурсларини ривожлантириш ўзбек-япон марказида ушбу санъат турини ўргатиш курсларига қатнаган ёшлар ўртасида якуний "имтиҳон" бўлиб ўтди.

Шу йилнинг сентябрь ойидан бошланган ўқув курсларини японялик меҳмон Йоко Такахаши олиб борган эди. Инсон ресурсларини ривожлантириш ўзбек-япон марказида ходими Р. Шомаҳмудованинг айтишича, марказда ўзбекистонликлар учун кунчиқар мамлакат тарихи ва маданиятини таништирувчи кўплаб ўқув курслари ташкил этилган.

"Фаслий лаҳзалар"

Халқаро маданият карвон-саройида ёш рассом Фаррух Мавлоновнинг "Фаслий лаҳзалар" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмада ҳозирда Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 3-босқич талабаси Ф.Мавлоновнинг 50 дан зиёд асарлари намойиш этилмоқда. Санъатга катта меҳр қўйган ёш рассом яратган асарлари билан республика ва халқаро — Миср, Ҳиндистон, Япония давлатларида бўлиб ўтган болалар бадиий кўргазмаларида иштирок этди. У Чехияда ўтказилган "Лидице 2000" халқаро кўргазмасининг дипломига сазовор бўлган. Кўргазма очилишида сўзга чиққанлар ёш рангтасвир устасига ижодий муваффақиятлар тилашди.

Юлдуз РИЗАЕВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

АДОЛАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда «Судлар томонидан амнистия актларини қўллашдаги айрим масалалар тўғрисида»ги қарор лойиҳаси муҳокама этилди.

Маълумки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Ўтган давр мобайнида амнистия тўғрисида мамлакатимиз Конституциясида белгиланган инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳолда ўн саккиз марта Президент Фармони ва Сенат қарори эълон қилинди.

2006 йил 30 ноябрда эълон қилинган амнистия акти асосида шу йил 21 декабрга қадар республика судлари томонидан 3 минг нафардан ортиқ шахс жиноий жавобгарликдан, 200 нафарга яқин шахс эса қамоқдан озод қилиниб, оиласи бағрига қайтарилди.

Судлар амнистия акти таъсири доирасига тушадиган жиноят ишларини кўришда қонунчилик меъёрларини асосан тўғри қўллаши билан бирга, амнистия актларининг айрим бандларини татбиқ этишда судлар фаолиятида савол ва тушунмовчиликлар учраётгани қайд этилди. Пленум томонидан амнистия актини қўллаш бўйича ягона суд амалиётини жорий этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, «Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги масала ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53, 54-моддаларида белгиланганидек, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Мулк ҳуқуқининг бир шахсдан бошқа шахсга ўтиши битимлар, хусусан, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, қарз ва шартномалар орқали амалга оширилади.

Шу маънода, хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ҳамда фуқаролар ўртасида шартномавий муносабатлар доирасининг кенгайиб бориши битимларга оид қонунчилик меъёрлари аниқ ва бир хилда қўлланилишини тақозо қилади.

Пленумда судлар битимларга оид муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик меъёрларини асосан тўғри татбиқ этиб келаётгани таъкидланган бўлса-да, қонунчилик меъёрларининг судлар томонидан бузилишининг олдини олиш ҳамда ушбу меъёрларнинг тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида тегишли тушунтириш берилди.

Пленум мажлиси муҳокамасига киритилган бошқа масалалар бўйича ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Бугунги давр фермер хўжалиги раҳбарлари хўжалик юритишнинг бозор тамойилларига янада мослашишини тақозо этмоқда. Тўғри, фермер қишлоқ хўжалик илмини мукаммал эгаллаган бўлиши мумкин. Айни чоғда у хўжалик юритишнинг молиявий, ҳуқуқий шартлари, шунингдек, шартномавий мажбуриятлари хусусида тўкис маълумотга эга, дея оламизми? Афсуски, йўқ. Хўш, бундай пайтда фермерга қайси идора ёки ташкилот ёрдам қўлини чўзади?

ФЕРМЕРНИНГ ЯҚИН МАСЛАҲАТГЎЙИ

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларига бу борада инжиниринг, консалтинг, аудиторлик, суғурта ва бошқа хизмат кўрсатувчи ва кўмак берувчи инфратузилмалар ташкил этилган. Бугунга келиб, улар тадбиркорларнинг яқин маслаҳатгўйи ва ишончли ҳамкорига айланиб бормоқда.

Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатаётган "Гулистон агроконсалтинг" хусусий корхонаси шулардан бири.

Мазкур хусусий корхона вилоятдаги барча фермер хўжаликларининг ишончли ҳамкори, десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки бу жамоа томонидан нафақат турли консалтинг хизматлари кўрсатилмоқда, балки фермер хўжаликлари олдида турган муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича ҳам самарали таклиф ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, корхона томонидан ишлаб чиқилган "Фермер хўжаликларига берилган ҳуқуқлар ва юклатилган мажбуриятлар мувозанати" ҳамда "Фермер хўжаликлари учун маркетинг хизматлари бозори" дастурларида мавжуд муаммоларни жойида ёки ҳудудлар ва минтақа даражасида ҳал этиш бўйича аниқ таклифлар берилганки, бу хўжалик раҳбарлари, турли инфратузилмаларнинг мутахассислари учун ҳам фойдали қўлланмадир.

— Фермер хўжаликларида асосий қишлоқ хўжалик экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича технологик карталарни тузиш ва унга риоя қилиш қўникмалари шакллантирилмаганлиги, шунингдек, агротехника талабларига риоя қилиш бўйича аниқ бизнес-режа тузилмаётганлиги тасодифий қарорлар қабул қилинишига олиб келмоқда, — дейди "Гулистон агроконсалтинг" хусусий корхонаси раҳбари Йўлдош Наврўзов. — Амалда қўлланилаётган бизнес-режа фақат давлат эҳтиёжларига харид қилинадиган пахта хомашёси ва ғалла етиштиришни молиялаштиришни асослаш учун тузилган. Шу боис у фермер хўжалигининг мавжуд ресурслари билан уйғунлигини таъминлай олмаётир. Фермер хўжалиги раҳбари томонидан яқин келажакдаги стратегик мақсадлар кўзланган мукаммал бизнес-режа тузилмаганлиги эса уларда ишларни юриштиришнинг бозор иқтисодиётига мос кўникмасини уйғотишга тўсқинлик қилмоқда. Устига устак, айрим фермер хўжаликларининг тўла қувват билан ишламаётгани иқтисодий самарадорликнинг пасайишига олиб келаётир. Фермер хўжалиги раҳбари ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўлиқ фойдалана олмаётганлиги, консалтинг, аудиторлик ва бошқа инфратузилмалар хизматидан баҳраманд бўлмаслиги ҳам иш суръатига таъсир кўрсатаяпти.

Бозор сабоқлари

Шулардан келиб чиқиб, корхонамизда фермер хўжаликлари ва бошқа ишлаб чиқариш субъектларига 20 дан зиёд хизмат турлари кўрсатиш жорий этилган. Бундан ташқари, мустақил тадқиқотларимиз асосида вилоят қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг мавжуд муаммоларини 4 гуруҳга жамлаб, уларни таҳлил қилдик. Пировардида 3 гуруҳдаги муаммоларга ечим топилиб, тўртинчисидаги муаммоларнинг ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилди. Мавриди келганда, фаолиятимизга амалий ёрдам бераётган республика Савдо-саноат палатаси ҳамда Сирдарё вилоят ҳокимлигидаги мутахассисларга ўз миннатдорчилигимизни билдириб ўтсам.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Гулистон агроконсалтинг" хусусий корхонаси томонидан вилоятдаги 1478 та фермер хўжалигига салкам 7 млн. сўмлик турли консалтинг хизмати кўрсатилди. Бундан ташқари, фермер хўжаликларининг иқтисодий юксалишини кўзлаб ишлаб чиқилган 20 та йўналишдаги қўлланма ва дастур китобча ҳолида чоп этилиб, улар мижозларга арзон нархларда етказиб берилди.

— "Гулистон агроконсалтинг" хусусий корхонаси хизматидан изчил фойдаланиб келаяпмиз, — дейди Сайхунобод туманидаги "Ўнғор ота Хидиров" фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Хидиров. — Очиғи, дастлаб иш бошлаган кезларимизда анча қийналдик. Мазкур корхона консалтинг хизмати туфайли иш суръати ва самарадорлик орта бошлади. Масалан, 100 гектар майдонда деҳқончилик қиламиз. Агар хўжалигимиз 2004 йилда пахтачиликдан 28,3 млн. сўм даромад кўрган бўлса, 2006 йилга келиб, бу кўрсаткич 45,0 млн. сўмга етди. Ғаллачиликдаги даромадимиз ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 2004 йилда тармоқдан 7,1 млн. сўм даромад олган бўлсак, жорий йилда бу миқдор 13,4 млн. сўмни ташкил этгани бунинг тасдиғидир. Албатта, иқтисодий ўсишнинг асосий сабабларидан бири — бизнес-режамиз мазкур корхона томонидан ишлаб чиқилгани бўлса, иккинчидан, улардан зарур маслаҳатларни олаётганимиз хўжалик юритишимизда қўл келмоқда.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қонун қоғозда қолмасин

Бир зўравон тадбиркорликни ниқоб қилиб одамлар кириб-чиқиб турган йўлни бетон девор билан тўсиб ташласа, атрофдаги ерларга, ҳатто халқ мулки ҳисобланган иншоотларгаям кўз олайтирса-ю, бирон марди-майдон унга бас келолмаса. Иймонли ва диёнатли одамлар тасаввурида «Зўр бўлсанг ёки заринг бўлса, ошиғинг олчи эканда», деган нохуш тушунчаларнинг пайдо бўлиши, айниқса, ачинарли.

Таассуф

Ҳужаободнинг Манак қишлоғида ўттиз минг нафар атрофида аҳоли истиқомат қилади. Йигирма йиллар нарида уларнинг хоҳиш-истаги билан қишлоқда «Тез тиббий ёрдам» шохобчаси очилди. 2002 йил кузига келиб, шохобчага Ҳамза номли ширкат хўжалигининг идора биносидан бир қисми ажратиб берилди. 40 миллион сўм сарфланиб, бино таъмирдан чиқарилди. Ярим йил ўтгач, қишлоқ врачлик пункти ҳам шу бинодан жой олди. Бинонинг ҳовли қисмидаги қозонхона эса тадбиркор бўлиш орзусида юрган Рустам Мамадалиевга сотилди. Қозонхона тадбиркорнинг аҳолига сотиш учун келтирилган қурилиш материаллари сақланадиган омборхонага айланди. Савдо гуриллай бошлади.

«Тадбиркор» ўз фаолиятини бошлашдан аввал савдо-сотиқ билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Мутасадди ташкилотларга белгиланган муддатларда ҳисобот топшириши кераклиги, назорат-касса машинаси бўлиши шартлиги, топилган даромадни солиқдан яшириш мутлақо мумкин эмаслигини хаёлигаям келтирмади. Аксинча, чор-атрофни кенгайтириш пайидан бўлди. «Тез ёрдам» машиналарига ажратилган йўлни тўсиб, бетон қуйдирди, девор кўтарди. Амалдаги тартиб-қоидалар билан ҳисоблашмай, мазкур жойни ўз билгича қўрғон қилиб, эгаллаб олди. Ҳамқишлоқлари саломатлиги йўлида хизмат қилаётган эллик нафардан ортиқ шифокорнинг фикр-мулоҳазаларига, талаб-истакларига қўл силташ билан жавоб қайтарди.

Рустам Мамадалиевни инсофга чақирганлар бирон натижага эришолмагач, 2004 йил январида фуқаролик ишлари бўйича Ҳўжаобод тумани судига даво-ариза беришди. Суд ажримига кўра, келишув битими имзоланди. Унга биноан тиббиёт шохобчаси ўрамида жойлашган қозонхона, дўконга кириш дарвозаси жойи билан Рустам Мамадалиевга қолдириладиган бўлди. Афсуски «тадбиркор» келишув мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлади. Суд ажримидаги «Тарафлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаса, ажрим мажбурий ижрога қаратилади» деган гаплар беиз қоларди.

Тадбиркор ниқоби остидаги ҳуқуқбузарнинг ножўя хатти-ҳаракатлари хусусида вилоят «Андижоннома» газетасининг 2006 йил 9 сентябрь сонида мақола босилди. Орадан бир ярим ойча ўтгач, такрорий чиқиш қилинди. Бироқ аҳвол ўзгармади. Маҳаллий ҳокимлик, туман солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлимининг ҳудудий профилактика нозири, прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти кўтарилган масала билан жиддий шуғулланишни, ўз фикрини айтишни маъқул топмади.

Биз туман ҳокимлигининг етакчи мутахассиси Абдуваҳоб Нишонов билан бирга Манак қишлоғида бўлдик. «Тадбиркор» бизни хушламай қарши оларкан, баланддан келди: «Иккинчи гуруҳ ногиронимам, қаттиқ-қуруқ гапирсаларинг, бирор корҳол юз бериб қолиши мумкин».

Унинг «маслаҳати» билан сабрнинг тубини олтин деб билдик. Харидори уловига ўттиз дона шиферни юклаб, кузатиб қўйгунича кутдик. Назорат-касса машинасига чек уришини унутганини эслатган эдик, «Электр токи йўқ», деди зарда билан. Ҳолбуки, электр чироғи порилдаб ёниб турарди.

«Тадбиркор» бироз ҳовуридан тушди, шекилли, бизларни қозонхона ичкарисига бошлади. У ерда талай қурилиш материаллари тахланиб ётарди. Бинодан чиқиб, орқа тарафдаги ҳовлига ўтдик. «Тадбиркор» тушмагур хийла мўл жойнинг девориниям терак бўйи кўтариб, эгаллаб олибди. Ҳар қаричи олтинга тенг серсув майдон турли-туман чиқиндилар қабристонига айланган. Ҳовлининг чап томонидаги катта йўлга туташ майдонни ёввойи ўт-ўлан қоплаган.

— Бу ер кимга қарашли? — сўрадик «тадбиркор»дан.

— Меники бўлиши керак, — деди суҳбатдошимиз, — лекин бир вақтлар «Ҳамза» ширкат хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлаган Ғозиев Қаҳрамон «Ер меники, ҳужжатим бор», деб яқинлаштирмаяпти.

Қозонхона ёнидаги иншоотга кўзимиз тушгач, «тадбиркор»га «Мабодо, мана бу ёзги клуб биносиям сизники эмасми?», дея писанда қилдик.

— Униям олиш ҳаракатидаман, — кўзлари ёнди Р. Мамадалиевнинг, — аммо бозорқўмимиз мен оламан, деб асабимга тегаяпти.

Шахсий манфаати йўлида ҳеч кимни ва ҳатто амалдаги тартиб-қоидаларни ҳам назар-писанд этмаётган Рустам Мамадалиевнинг хурмача қилиқлари кўпайса-кўпаймоқдаки, асло камайгани йўқ. Инсофга келишни, ҳамқишлоқлари ўгитига қулоқ солишни ўйламаяптиям. Унинг ноқонуний ишларига, ўзбилармонлигига, беписандлигига эса Ҳўжаобод тумани ҳокими Абдумуталлиб Абдужабборов, прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг тумандаги вакили Абдуманноб Аҳмаджоновлар етарли баҳо беролмаётирлар.

— Тартибга чақирмоқчи бўлсак, топган даромадингизни солиқдан яширманг десак, юқори идораларга арз қилаяпти, — ночорланди вакил.

— Қишлоққа бориб, халқни тўплаб йиғилиш ўтказаяпман. Инсофга чақираяпман, фойдаси бўлмаяпти, — зорланди ҳоким.

Ёғочнинг бўшини қурт ейди, дейдилар. Наҳотки, қонун устуворлигини таъминлаш хусусида гапириб чарчамайдиган масъуллар йиллаб давом этаётган қонунбузарликлар олдида заифлик қилсалар?..

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таълимдаги ислоҳот

Ҳар бир юртнинг ақлий салоҳияти, тафаккур тарзи таълим-тарбияга бўлган муносабат билан ўлчанади. Зеро, маънавий етуклик бор жойда ёшлар илмли, одобли, энг муҳими, ватанпарвар бўлиб улғайиши турган гап. Шу маънода Денов туманининг Ҳазорбоғ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида амалга оширилаётган таълим-тарбия жараёни ҳақида сўз юритгимиз келди.

ҲАММА ҲАВАС ҚИЛАДИГАН КОЛЛЕЖ

Тўғри, бир қарашда мазкур ўқув даргоҳи бошқа шундай таълим муассасаларидан фарқ қилмайди. Аммо коллежга бориб қолсангиз, бу ерда ҳукуматимизнинг таълим тизимига қаратаётган эътиборини юрагидан ҳис қилиб ишлаётганларни кўрасиз. Аввало, ён-атрофга кўрк бағишлаб турган бу коллежда ўз касбининг устаси, билимдонлари ёшларга сабоқ беришади. Ўқитувчилар орасида, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида катта тажрибага эга бўлган мураббийлар борлиги эътиборлидир. Ахир, бугунги куннинг талаби шуки, ёшларга фақат аудиторияда қуруқ маъруза ўқиш билан иш битмайди. Аксинча, ўқувчи ҳар бир дарс жараёнида айтилган гапларни амалиётда синаб кўрмаса бефойда. Шундан келиб чиқиб, Ҳазорбоғ коллежи ҳам керакли техник жиҳоз ва машиналар билан тўлиқ таъминланган.

— Ўқувчиларимизнинг аксарияти техникадан унумли фойдаланишни пухта ўзлаштириб олишган, — дейди коллеж директори вазифасини бажарувчи Абдухалил Нурматов. — Шунинг учун ҳам ўқув жараёнида амалиётга кўпроқ вақт ажратамиз. Ҳар бир ўқувчининг иқтидори, қизиқиши инобатга олиниши эса устозгаям, шогирдгаям маъқул тушмоқда. Чунки ўқувчи техникага қизиқмаса, қишлоқ хўжалиги соҳасига қўнгли чопмаса, фанларни ўзлаштириши қийин. Бинобарин, коллежимизга ҳужжат топшираётганлардан, аввало, унинг қизиқишларини инобатга оламиз.

Коллеждаги маънавият ва маърифат хонаси ҳамда мўъжаз кутубхона ҳар қандай киши эътиборини жалб қилади. Ёруғ ва шинам бу хоналардаги қулайлик, марказий ва маҳаллий газеталарнинг тахлами, энг янги асарлар ҳам дид билан териб қўйилганлиги бағри-дилингизни очиб юборади. Токчаларга терилган рангбаранг ва анвойи гуллар чарчоғингизни ёзади. Шунинг учун бўлса керак, ўқувчиларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, улар нафақат ихтисосликлари бўйича, шунингдек, адабиёт ва санъат, маънавияту одоб борасида ҳам баҳс-мунозарага киришиб кетадилар. Масалан, ўқувчилардан бирининг: «Мен Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватнома» деган асарини деярли ёддан биламан» дея ушбу китобдаги саховат, мурувват, оқибат ҳақидаги гапларни шарҳлаб беришидан ҳайратландик. Бошқа бир ўқувчи эса: «Биз Президентимизнинг «Ўзбекистон ёшлари — менинг фарзандларим», деган гапларидан ҳар доим ғурурланиб юрамиз» дейишидан билдикки, коллежда маърифий ишларга алоҳида диққат-эътибор қаратилиши беиз кетмаяпти. Дарвоқе, «Футувватнома» ҳақида тўхталган ўқувчининг гаплари сабаб бўлиб, коллежда амалга оширилаётган айрим ҳомийлик ишларини ён дафтаримизга қайд этган эдик. Мана улар: коллежда таҳсил олаётган 51 нафар кам таъминланган оилалар фарзанди саховатпешалар томонидан доимий эътиборга олинган. 100 ўринли ўқувчилар ётоқхонасида «Ибн Сино» саломатлик маркази фаолият юритиб келмоқда. Бу ерда малакали шифокорлар ўқувчилар саломатлигини ҳам назоратга олишади, ҳам уларга тиббий ўгитлар беришади. Барча спорт тури билан шуғулланиш имкони мавжуд залда эса ёшларга спорт мутахассислари ва спортчиларнинг машғулот ўташлари йўлга қўйилган ва ҳоказо...

— Баъзан мана бу жойда ўқиш ва ўқитиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган деган гапларни эшитиб қоламиз, — дейди коллеж ўқитувчиси Фарида Алимова. — Фикримча, бундай камчиликка йўл қўйилмасликнинг биринчи шарти аҳиллик. Аҳиллик, самимий муносабат эса ҳар қандай кишини виждонан ишлашга ундайди. Жамоамизнинг, озми-кўпми, ютуқлари бор экан, бунга аввало, аҳиллик сабабчи десам нокамтарликка йўйманг.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТЛАРДА: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 30 январь куни соат 11.00 да

Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади. Очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бўлинмаси томонидан тақдим этилган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 2005 йил 9 августдаги 18404-сонли ва 2006 йил 10 июлдаги 11718-сонли ижро ҳужжатига асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати комендатурасида сақланаётган, давлат рақами 10К18-96 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц-S600» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №13797040017090, кузов № WDB2201781A288088).
Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.
2. 2006 йил 20 июлдаги 12492-сонли ижро ҳужжатига асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати комендатурасида сақланаётган, давлат рақами 10W99-99 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган «AUDI-A8S» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №MC046913, кузов №WAUZZZ44ZKN070103).
Бошланғич баҳоси — 27 000 000 сўм.
3. 2006 йил 10 июлдаги 11714-сонли ижро ҳужжатига асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати комендатурасида сақланаётган, давлат рақами Х283FUM бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган «УАЗ-452» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №00707660, кузов №240977). ***Бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм.***
4. 2006 йил 8 августдаги 13673-сонли ижро ҳужжатига асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати комендатурасида сақланаётган, давлат рақами Ш28-67ТН бўлган, «ВАЗ-2103» русумли автотранспорт воситаси.
Бошланғич баҳоси — 350 000 сўм.
5. 2005 йил 10 октябрдаги 21566-сонли ижро ҳужжатига асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати комендатурасида сақланаётган, давлат рақами 10О25-52 бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган «НЕКСИЯ-ДОНС» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №А15М423132, кузов №ULV3D31BD3A011316).
Бошланғич баҳоси — 8 000 000 сўм.
6. 2006 йил 11 майдаги 8164-сонли ижро ҳужжатига асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати комендатурасида сақланаётган, давлат рақами Х391NOM бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган «AUDI-100» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №WC184700, кузов №WAUZZZ442A050511).
Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Анжуман

Пойтахтимиздаги "Dedeman Silk Road Tashkent" меҳмонхонасида "Транспорт, экология ва саломатлик: транспорт ва мингйиллик ривожланиш мақсадлари" мавзуида 3-халқаро конференция бўлиб ўтди.

Заҳар ва зарар

Маълумотларга кўра, ер юзида 500 миллиондан ортиқ автотранспорт воситаси бўлса, мамлакатимизда бу кўрсаткич 1,3 миллионтани ташкил этади. Гарчи улар одамларнинг узоғини яқин қилса-да, соғлиқ ва экологияга салбий таъсир кўрсатишини тиббиёт ходимлари қайд этишган. Анжуман иштирокчиларининг таъкидлашича, автомобиль транспорти атмосферага чиқариладиган заҳарли чиқиндиларнинг 60 фоизини, катта шаҳарларда 80 фоизини ташкил қилар экан.

Юртимизда атмосферанинг заҳарланишига қарши бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, "Тошшаҳарйўловчитранс" ўрнида "Тошшаҳартранс-хизмат" уюшмасининг ташкил этилиши бу борадаги ишларни назорат қилишга катта имконият берди. Уюшма сўнгги йилларда "Тошшаҳарйўловчитранс" таркибидаги корхоналар автоуловларининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш мақсадида махсус асбоб-ускуналар ўрнатилган, шунингдек, тутун миқдори ва заҳарлилик даражасини ўлчайдиган воситалар келтирилганки, барчаси имкон қадар атроф-муҳитнинг зарарланишига тўсиқ бўлаяпти.

Қ. ХИДИРОВ.

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛИ
НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ
КЎПМИНГСОНЛИ ВА КЎПМИЛЛАТЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонларини Қурбон ҳайити ҳамда кириб келаётган Янги — 2007 йил билан самимий муборакбод этади!

Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилинган 2007 йил жамиятда бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз — бағрикенглик, меҳрибонлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик-тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи лозим. Ва у бизнинг барча ишларимиз, яратувчанлик лойиҳаларимиз ва эзгу ниятларимизнинг амалга ошиш йили бўлсин!

Истаймизки, Янги йилда ҳар биримизнинг хонадонимиздан тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик ва қувонч ҳеч қачон аримасин!



КАБЕЛЬ - СИМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ-ЧИҚАРУВЧИ
"O'ZKABEL" OAJ QK

Сизни чин қалбдан яқинлашиб келаётган муқаддас айём — Қурбон ҳайити ва Янги — 2007 йил билан муборакбод этади! Мустаҳкам соғлиқ, омад сизга ҳамиша ёр бўлсин. Янада гуллаб яшнашингизга тилакдошмиз!

Янги йил эшик қоқди, Уйингиз бахтга тўлсин. Орзу-умидлар бу йил, Сўзсиз рўёбга чиқсин!

Тошкент ш., Ф. Хўжаев кўч., 2. Тел./факс: (+99871) 162-02-86, 162-13-33
www.uzkabel.uz

Касаначи – иш маромини таъминловчи

Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси томонидан Дўстлик туманида ўтказилган кўргазмали семинар Республика Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланди.

Семинар иштирокчилари дастлаб «Дўстлик дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорликда ишлаётган касаначилар фаолияти билан танишдилар. Хусусан, улар элак рамкаларини ясовчи, ун элаклари тўрларини алмаштирувчи, турли двигателларни таъмирлаш билан шуғулланувчи касаначилар билан учрашдилар. Тадбир қатнашчиларини кўпроқ корхонада фаолият кўрсатаётган касаначиларга ҳақ тўлаш, уларнинг самарали ишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар қизиқтирди.

Шундан сўнг семинарда ўтган давр мобайнида вилоятдаги йирик корхоналар таркибида яратилган 3072 та ишчи ўринларидан олинаётган самара, касаначилар фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилди.

Тадбирда Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг демография, меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси раҳбар ва мутахассислари семинар қатнашчилари, касаначиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

Бундан уч йил аввал — 2003 йил 15 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг «Сино» очиқ акциядорлик жамиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатга кўра, мазкур акциядорлик жамиятида совутиш ва музлатиш ускуналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, бутловчи буюмлар ва узелларни маҳаллийлаштириш негизида уларнинг янги турлари ва моделларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш вазифалари белгиланди. Корхонага эса солиқ ва божхона тўловлари бўйича беш йил муддатга катта имтиёзлар берилди.



«СИНО» акциядорлик жамияти:

Изланиш ва интилиш — тараққиёт йўли

Ўша пайтда, тўғриси, иқтисодий ночорлик туфайли корхонада ишлаб чиқариш бутунлай тўхтаб қолган эди. Эскирган дастгоҳлар, хароба аҳволдаги бинолар гўё энди ҳеч кимга керак эмасди. Негаки, корхонанинг қайта оёққа туришига бўлган умид сўнган эди.

Лекин изланганга имкон топиларкан. Ишнинг кўзини билган тадбиркорларнинг ғайратшижоати, улар томонидан жалб қилинган катта миқдордаги сармоя, муҳими, ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳисобига собиқ «Холодильник» заводи сақлаб қолинди. Сақлаб қолиндигина эмас, балки унга янгича ҳаёт бахш этилди.

Бугун бу ерда аввалги ғарибона цехлардан, муддатини ўтаб бўлган дастгоҳлардан асар ҳам йўқ. Ҳаммаси янги, ҳаммаси замонавий. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига эса қойил қолмасликнинг иложи йўқ.

Янги раҳбарга банкрот ҳолатидаги заводни қабул қилиб олиш осон эмасди. Сабаби, катта миқдордаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, шунингдек, иш ҳақидан қарзлар унча-мунча ишнинг кўзини биладиган тадбиркорни ҳам ўйлантириб кўярди. Қолаверса, барча цехлар тўлиқ таъмирталаб бўлиб, асбоб-ускуналарни янгилаш талаб этиларди.

Албатта, бундай оғир шароитда кимнингдир ишбилармонлиги ниҳоятда асқотарди. Агарда шундай фидойи инсон топилмас экан, бутун бошли бир заводнинг таназзулга учрашига, бутунлай тугаб кетишига шубҳа йўқ эди.

Қарангки, заводни сақлаб қоладиган, Самарқанд совутгичларининг қадрини янада оширишга бел боғлаган мардлар топилди. Шаҳардаги хусусий «Парвина» компанияси раҳбари шундай оғир ишга бел боғлади. Унинг қарори қатъий эди: «Корхонани, албатта, оёққа турғазамиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Ҳамма гап бирликда, қўлни-қўлга бериб ишлашимизда».



Банкротлик барҳам топди

Амалда худди шундай бўлди. Компания ва унга қарашли кичик бизнес корхоналари етакчилари гапни бир жойга қўйишди. Дастлаб хусусий банк қалдирғочларидан бири — «Парвинабанк» «Сино» корхонасининг тикланиши учун 210 миллион сўм кредит ажратди. Компания ва унга тегишли бир неча корхоналар томонидан ўзаро консорциум тузилиб, шунга мувофиқ, «Парвина» компанияси ва «Парвина-М» корхонаси «Сино»ни малакали мутахассислар билан таъминлади. «Парвина-қурувчи» хусусий корхонаси собиқ завод цехларини таъмирлаш ва қайта қуриш ишларини тўлиқ зиммасига олган бўлса, «Мўмин-М» корхонаси эса совутгичлар учун бутловчи қисмлар ва хомашё келтирди.

Шу тариқа «Сино»даги ишлар аста-секин изга туша бошлади. У банкротлик чангалидан олиб чиқилди. Корхонанинг мавжуд қарзлари, ишчиларнинг иш ҳақлари тўлиқ тўланди. Ҳувиллаб ётган цехларни уч юзга яқин янги ишчи тўлдирди.

Хўш, «Парвина» компанияси ва унинг шериклари нима учун қарздорлик ботқоғига ботган, бутунлай хароб бўлган бир корхонани сақлаб қолишга бел боғлашди? Бунинг учун нега ўз сармояларини аяшмади?

Гап шундаки, собиқ «Холодильник» заводи Ўзбекистонда ягона эди. Унинг маҳсулоти — музлатгичга, қолаверса, совутгичларга аҳолининг талаби тобора ошиб борарди. Бу эҳтиёжни қондиришни эса ҳаётнинг ўзи тақозо этарди.

Бироқ муддога эришиш учун аввал баъзи муаммоларга ечим топиш зарур эди. Жумладан, бир пайтлар корхонада ишлаб чиқариладиган совутгичлар учун керакли хомашёлар, бутловчи қисмлар тўлиқ четдан келтириларди. Очиғи, ишлаб чиқаришда Самарқанднинг ҳавоси ва сувидан бошқа ҳеч вақосидан фойдаланишнинг имкони йўқ эди. Шу боис «Сино» маҳсулотларининг таннархи ошиб кетган эди.

Корхонани қайта ташкил этишда биринчи галда ана шу муаммо ҳисобга олинди. Мутахассислар чет элларда бўлиб, иш ўрганишди. Айниқса, хитойликлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик қисқа вақтда ўз самарасини берди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти гранти ҳисобига эса азон қатламини ҳимоя қилувчи, экологик жиҳатдан энг тоза «Фреон» ускунаси ўрнатилди. Бу юмушни италиялик мутахассислар ўз зиммаларига олдилар. Уларнинг кўмагида бир йил ичида 100 минг дона совутгич ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди.

2003 йилнинг июнь ойидан бошлаб эса корхона конвейерларидан сифатли совутгичлар чиқа бошлади. Аммо улар бугунги кун талаблари даражасидаги совутгичлар эмасди. Бозорни ўрганиш, хориж билан ҳамкорлик, ўз навбатида, ишни бутунлай янгича ташкил этиб, замонавий совутгичлар тайёрлашга ўтиш зарурлигини кўрсатди. Бу борада ҳам биринчи ҳамкор хитойлик мутахассислар бўлдилар. Цехларга янги жиҳозлар, асбоб-ускуналар келтирилди.

Ва, ниҳоят, 2004 йилнинг февралида корхона конвейеридан экологик тоза хладагентдан фойдаланувчи дастлабки икки камерали замонавий совутгич ва музлатгич чиқарилди.

— Янги совутгич ва музлатгичнинг эскиларидан афзаллиги шуки, улар электр энергиясини тежайди, — дейди корхона мутахассислари. — Дизайни чиройли, шовқинсиз ишлайди, нархи ҳам хориж совутгичларига нисбатан бирмунча арзон. Ишлашига эса кафолат кўпроқ.

18 турдаги маҳсулот

Айни кунларда, ҳақиқатан ҳам, заводда 18 хил совутгич ва музлатгич ишлаб чиқарилаяпти. Бундан ташқари, «Сплит» тизимидаги кондиционерлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Аниқроғи, ҳозирги кунда бу ерда ***«Sino-BCDS-250» ва «Sino-DCDS-250 A» русумли икки камерали совутгичлар, «Sino-KFR-70LW», «Sino-KFR-35GW», «Sino-KFR-50GW» русумидаги кондиционерлар*** серияли равишда ишлаб чиқарилаяпти.

Бошқарув тизимида, шунингдек, 2003 йили «ИСО-9001» халқаро менежмент сифат стандарти жорий қилинди. Бу маҳсулот сифатини янада яхшилаш, яъни жаҳон андозалари даражасида маҳсулотлар тайёрлаш имконини бераётир.

Экология масаласида «ИСО-14001» халқаро стандарти жорий қилингани эса корхонада ишларнинг айнан шундай талабларга тўлиқ жавоб беришини таъминлаш имконини яратди. Ва у хорижлик мутахассислар томонидан эътироф этилди: акциядорлик жамиятига тегишли сертификат берилди.

Яна бир ютуқ — бу корхонада поливилинхлориддан фойдаланиш йўлга қўйилгани бўлди. Ана шу янгича иш услуби маҳаллий хомашёдан фойдаланиш даражасининг ошишига хизмат қилаяпти. Чунки поливилинхлорид корхонанинг ўзида хомашёга айлантирилиб, ундан металл ўрнида фойдаланилади. Совутгич ойнаси ҳам маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилаётганини ҳисобга олсак, локализация даражаси корхонада 80 фоизга етганини англаш қийин эмас.

Корхона аҳли мактабларни жиҳозлаш дастурида ҳам иштирок этаётгани қувончли. Шу мақсадда музлатиш камераси, тарқатиш линияси, металл столлар, жавонлар, электр плитаси каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

2004-2005 йиллардан бошлаб, умуман, заводда ***«Sino-514», «Sino BS-150» русумли совутгичларнинг янги моделлари, «Sino-CS-100» музлатгичи, «Sino-504», «Parvina-Elegant» совутгич-витриналари, «Sino-503», «Parvina-Style» витрина-пештахталари, «Sino-505» совутгич-жавони, «Sino-7» музлатиш камераси, «Sino-SD/SC 188» совутгич-музлатгичи*** ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

2005 йилга келиб эса, корхонада ишлаб чиқарилган товарларнинг ўсиш суръати 105,3 фоизга етди. Иш ҳақи фонди 2004 йилдагига нисбатан 2,7 баравар кўпайди. Ишчилар сони ортиб, уларнинг иш ҳақлари миқдори ҳам кўтарилди.

2006 йилнинг тўққиз ойи мобайнида ҳам **акциядорлик жамиятида маҳсулот ҳажми ошиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 255 фоиз ўсишга эришилди.** Шунингдек, янги маҳсулот — савдо-технологик асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, турли халқ истеъмоли моллари тайёрлаш ва аҳолига хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

Совутгич ва кондиционерлар бозорини кенгайтириш мақсадида эса республикамизнинг барча вилоятларида дилерлик тармоқлари ташкил этилди. Хусусан, ҳозирда Тошкент шаҳридаги «Савдо уйи» — Техник хизмат кўрсатиш ва сотиш марказида нафақат «Сино» заводининг, балки «Ўзэлтехсаноат» ассоциациясига қарашли бошқа корхоналарнинг ҳам турли маҳсулотлари кўргазмасини ташкил этиш ва харид бўйича шартномалар тузиш имконияти мавжуд. Истеъмол кредити тизими бўйича совутгичларни сотиш учун, шунингдек, 14 та банк билан шартнома тузилган.

Хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларнинг маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш учун мамлакатимизнинг бир қатор йирик корхоналари — «Совпластитал», «ШРЗ-12», «ДойчеКабель», «Кинап», «Ўзкабель», «Парвина-қурувчи», «СамКочавто», «Навоийазот», «Кварц», «Фотон» билан ҳамкорлик ўрнатилгани ҳам ўз натижасини кўрсатмоқда.

Ишчи-хизматчиларга етарли шарт-шароитлар яратиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи ҳам диққат марказида турибди. Чунончи, яқинда ҳамма имкониятларга эга, 600 ўринли замонавий ошхона қурилиб, ишга туширилди.



Истиқбол сари дадил қадам

Истиқболдаги вазифаларга тўхталсак, **ишлаб чиқариш ҳажми оширилиб, йилига 250 минг дона совутгич ва 81 минг дона кондиционер тайёрлаш мўлжалланмоқда. Ишчилар сони эса янги иш ўринлари яратиш ҳисобига 360 нафардан 1950 нафарга етказилади.**

Бу борада илк қадамлар ҳам ташланди. Айтайлик, маҳаллийлаштириш дастурига асосан, корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига турли русумдаги совутгич, музлатгич ва кондиционерларни сифатли, бежирим қадоқлаш учун ҳар хил шаклдаги пенопластлар ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур цехнинг ишга туширилиши туфайли корхонанинг импорт харажатлари қисқарди. Шу билан бирга, бошқа корхоналардан ҳам буюртмалар олиб, улар эҳтиёжи учун пенопластлар тайёрлаб бериш имконияти ҳам яратилди.

Ёки бошқа бир мисол. **Илгари заводда ишлаб чиқарилган совутгич қисмларига эски услубда бўёқ бериш натижасида кўп харажат қилинарди. Бу услуб халқаро сифат кўрсаткичларига ҳам мос келмасди. Шуни ҳисобга олиб, ишлаб чиқарилаётган буюмларни қуруқ усулда бўяш йўлга қўйилди. Бунинг учун хориждан янги ускуналар келтирилиб, ўрнатилди.**

Маъмурий бино ва цехларни тўлиқ реконструкция қилишнинг биринчи босқичи ҳам ниҳоясига етди. Айни пайтда унинг иккинчи босқич жараёни жадал олиб борилмоқда. Электр энергияси тизими ҳам тўлиқ янгиланди. Шунинг ҳисобига ишлаб чиқариш қуввати сезиларли даражада ошди.

Йиғув цехида амалга оширилган реконструкция ишлари, айниқса, ишчилар учун катта қулайлик яратди. **Ушбу цехнинг ўзида 30 та «Sino KFR-70» русумли кондиционер ўрнатилган бўлиб, улар қишда иситиш, ёзда эса совутиш учун хизмат қилади. Цех майдони ўн минг квадрат метр. 10 та узатиш конвейери айланма ҳаракат қилиб, совутгичлар қисмларини етказиб беради.**

Бу юмушларнинг ҳаммаси «Парвина-қурувчи» корхонаси жамоаси томонидан рўёбга чиқарилди. Бугунги кунда ҳам «Парвина-қурувчи»нинг 300 нафар ишчиси «Сино»нинг янги цехларида иш юритмоқда. Уларнинг қўллари билан сайқал топган турли ҳажмдаги савдо павильонлари жиҳозлари эса ихчамлилиги, сифатлилиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Раҳбариятнинг ишчи-кадрлардан ҳам кўнгли тўқ. Уларнинг ҳаммаси корхонанинг ўзида ўқитилиб, малакали мутахассислар этиб тайёрланган. Ишчиларнинг 40 фоиздан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади.

Ҳа, ўтган қисқа давр ичида корхона жамоаси ўз фаолиятида изланиш ва интилиш — тараққиёт йўли эканлигини амалда исботлади. Демак, бундан буён ҳам улар бунёдкорлик ишларини, янгиланиш сари ҳаракатларни изчил давом этаверадилар.

Икром ЎТБОСАРОВ,
Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

барча юртдошларимизни Янги — 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили билан қутлайди!

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки

кичик бизнес билан шуғулланаётганларга бошланғич сармояни шакллантириш учун йиллик 5 фоиз ставка билан 18 ойгача:

- юридик шахс мақомига эга бўлмаган кичик бизнес субъектлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача;
- юридик шахс мақомига эга бўлган микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача;
- фермер хўжаликлари учун энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда микрокредитлар ажратади.

Микрокредитлар кичик бизнес субъектларига бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича) энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда 24 ой муддатга берилади.

«Микрокредитбанк» кичик бизнес субъектлари учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича) энг кам иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг хизматларини кўрсатади.

Шунингдек, бутун республикамиз ҳудудларидаги филиаллар томонидан аҳолига барча турдаги банк хизматлари кўрсатилади.

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

«Микрокредитбанк» АТБ тизимида жисмоний шахслар учун 2006 йил 21 декабрь ҳолатига амалда бўлган миллий валютадаги омонат турлари ва улар бўйича ўрнатилган фоиз ставкалари

№	Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси	Бошланғич бадал	Изоҳ
1.	Талаб қилиб олингунча	чекланмаган	6%	чекланмаган	Маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади ҳамда омонатчининг биринчи талабидаёқ берилади.
2.	«Орзу»	3 ой	18%	50 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
3.	«Тадбиркор»	6 ой	18%	25 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар олдиндан тўланади.
4.	«Нуроний»	1 йил	18%	чекланмаган	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
5.	«Сиҳат-саломатлик»	1 йил	18%	1 000 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар йилнинг ҳар чорагида тўланади.
6.	«Тежамкор-коммуналчи»	2 йил	18%	чекланмаган	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда фақатгина коммунал тўловларга ўтказиб берилади.
7.	«Истеъмол» жамғармаси		банк маржаси 6%	150 000 сўм	Мазкур жамғармага маблағ қўйган шахсга 1,5 ойдан сўнг қўйилган маблағининг уч баравари миқдорида «Истеъмол» кредити ажратилади. «Истеъмол» омонат тури бўйича ҳисобланган фоизлар «Истеъмол кредит»га ҳисобланган фоизларни сўндириш мақсадида ҳар ойда ўтказиб борилади.
8.	«Она юрт»	3 ой	18%	150 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
9.	«Ҳомий»	4 ой	18%	200 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади.
10.	«Шифокор»	5 ой	18%	200 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади ҳамда фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
11.	«Мучал тўйи»	3 ой	18%	200 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Фоиз тўловлари омонатчининг мучал ойида тўланади.
12.	«Омад»	4 ой	18%	150 000 сўм	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра, фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади.
13.	«Эгасининг номи кўрсатилмаган»	чекланмаган	18%	100 000 сўм	Фоизлар омонатчига маблағ қўйилган куни аванс тариқасида, лекин 1 ойдан ошмаган муддат учун берилади.
14.	«Муддатли-мақсадли»	1 йил	18%	чекланмаган	Омонат бўйича фоиз тўловлари ойма-ой ҳисобланиб истеъмол кредити ва унга ҳисобланган фоиз тўловини ёпиш учун йўналтирилади.

3739R/2957

Ҳурматли юртдошлар!

«АСАКА»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

барчангизни кириб келаётган Янги — 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили билан муборакбод этади!

Барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайди.

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«ҒАЛЛАБАНК»

мустақил республикамизнинг барча аҳолисини ҳамда ўзининг доимий мижозларини кириб келаётган Янги — 2007 йил билан муборакбод этади!

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилида ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, бахт-саодат тилайди ва миллий валютада қуйидаги муддатли ва жамғармали янги жозибадор омонат турларини таклиф этади:

- «Mukofot» омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 100 минг сўм.
- «Sovg'a» омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат қўйилган куни, яъни олдиндан тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 500 минг сўм.
- «Mehr» омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 100 минг сўм.
- «Mo'jiza» жамғармали омонат турига маблағлар 11 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, дастлабки қўйилган омонат устига хоҳлаган вақтда қўшимча маблағ қўйиш мумкин. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 100 минг сўм қилиб белгиланган.

Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши «Ғаллабанк» томонидан кафолатланади.

«Ғаллабанк» омонатлари келгуси даромадларингиз кафолатидир!

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

Йил сарҳисоби

Футбол

Футбол дунёдаги энг оммавий спорт тури ҳисобланади. Унинг миллионлар ўйини деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Кеча пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида миллий чемпионатимизда совринли ўринларни эгаллаган жамоалар ва турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритган футболчи, мураббий ва ҳакамларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳукуматимиз томонидан ушбу спорт турини ривожлантириш, футболчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳам мазкур спорт турини янада оммавийлаштиришдан иборат.

15-миллий чемпионат ўйинларида бу сафар ҳам «Пахтакор» жамоаси пешқадамликни ўз қўлида сақлаб қолди. «Нефтчи» иккинчи, «Насаф» эса учинчи ўринни эгаллади. Ана шу ғолиб жамоаларга чемпионатнинг олтин, кумуш ва бронза медаллари топширилди.

Мамлакатимиздаги марказий оммавий ахборот воситаларида қалам тебратадиган журналистлар ўртасида йилнинг энг яхши мураббий ва футболчисини аниқлаш учун сўровнома уюштирилганди. Журналистлар «Нефтчи» жамоасини бошқараётган Юрий Саркисянни «Энг яхши мураббий», Ўзбекистон терма жамоаси ва «Динамо» (Киев) ҳужумчиси Максим Шацкихни эса «Энг яхши футболчи» деб топдилар. Совриндорлар ЎФФнинг махсус совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, ФИФА ҳаками Равшан Эрматов «Энг яхши ҳакам», «Трактор» жамоаси ҳужумчиси Павел Соломин «Энг яхши ҳужумчи» номинацияси бўйича ғолиб, деб топилдилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кураш

Умр зарварақларининг яна бир саҳифаси ўз поёнига етаётган паллада ортга боқиб ўтган йилни сарҳисоб қиламиз. Ҳар бир соҳада эришилган ютуқлару якунланмай қолган режалар ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Шуни қувонч билан айта оламизки, жорий йилда миллий курашимиз бўйича юртдошларимиз муайян муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда йилнинг энг муҳим мусобақалари ғолиб ва совриндорлари эътироф этилди. Таъкидланганидек, Қатар пойтахти Доҳада ўтган XV Осиё ўйинларида кураш мусобақалари (норасмий) ва бошқа кўплаб нуфузли турнирлар уюштирилди.

Йиғилишда Халқаро кураш ассоциацияси бош котиби Умид Ёқубов журналистларни қизиқтирган саволларига жавоб бераркан, келгуси йилда кураш оиласига аъзо мамлакатлар сони янада кўпайиши кутилаётганини айтди.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон – умумий уйимиз

ОҚИНЛАР АЙТИШУВИ

ТОШКЕНТ. Алишер Навоий номидаги Кино саройида оқинларнинг халқаро айтишуви бўлиб ўтди. "Ўзбекистон – умумий уйимиз" дўстлик фестивали доирасида ўтказилган мазкур тадбирда юртимиз, Қозоғистон, Қирғизистон бахши ва оқинлари, санъаткорлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакиллари қалбида ягона Ватан туйғусини қарор топтириш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ўн беш йил муқаддам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Республика байналмилал маданият марказининг ташкил этилиши бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Ушбу ташкилот бугунги кунда юртимиздаги кўплаб маданият марказларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қиляпти. Ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, юртимиз халқларининг ўзига хос азалий урф-одатлари ва маданиятини ривожлантиришга қўмаклашишда ушбу марказларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Халқаро оқинлар беллашувида бош соврин қозоғистонлик ижрочи Оқморал Леубоевага насиб этди. Биринчи ўринга ҳамюртимиз Қулмаҳан Дуйсенов, иккинчи ўринга қозоғистонлик оқинлар Карима Ўролова ҳамда Бекарис Шуйбеков, учинчи ўринга қирғизистонлик Майра Байпақбоева лойиқ топилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.



Маънавият

Таниқли ёзувчи, драматург ва публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Ёруғлуғ» номли китоби «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётидан босилиб чиқди. Ёруғлуғ китобда тилга олинган барча тушунчаларга моҳиятан боғлиқ. Масалан, маънавиятли одамнинг юзи ҳар борада ёруғ бўлади ва аксинча, ҳар борада юзи ёруғ одамнинг маънавиятли бўлиши турган гап. Келинг, яхшиси, эрта-индин китоб дўконларига чиқариладиган асардан айрим лавҳаларни сиз билан баҳам кўрайлик.

Мўъжаз ҳикматлар

Оқил билан дононинг асосий фарқи

Ақлли одам — оқил киши шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина қутулиб кетади.

Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди. Бинобарин оқилга қараганда доно ҳушёрроқ, эҳтиёткорроқ бўлади.

Енгилиш

Енгилиш икки хил бўлади: душманга таслим, ўз нафсига мағлуб. Мажбурлик орқасида юз берган биринчисидан орада вақт ўтиши билан қутилиш мумкин, иккинчисидан эса озод бўлиш амримаҳол. Чунки душман муттасил таҳлика солавермайди, нафс эса ҳамиша таъқиб эта боради.

Хор қиладиган нарсалар

Дейдиларки, одамларни хор қиладиган нарсалар саккизтадир: зиёфатга таклифсиз бориш, бировнинг уйида буйруқбозлик қилиш, икки одам гаплашаётганда сўзига қулоқ солиш, одил подшоҳни ёмонлаб гапириш, ўз жойини билиб ўтирмаслик, қулоқ солишни истамаган одамларга зўрлаб гапириш, душмандан нарса тилаш, бахил одамдан нарса сўраш.

Намуна ва ибрат

Омбор тўла буғдой ҳақида тасаввур бериш ниятида бир ҳовуч буғдой кўрсатилса бас, оз нарса орқали кўп нарса ҳақида тушунтирилади. Бунга намуна дейилади. Бироқ намуна ибрат эмас.

Ибрат — ўрнак демак!

Халқ билан қизиқмаган

Агар парвона ўзини шам зиёсига урса-ю, лекин ёнмаса, демак, бу шам шам эмасдир. Халқ билан қизиқмаган, аксинча, ундан нолиган, унинг учун жонини куйдирмаган инсон инсон эмасдир.

Гуноҳларнинг энг катталари

Ҳадиси шарифда уқтириб ўтилганидек, Аллоҳ таолога ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш ҳамда ёлғон сўзлаш ва туҳмат қилиш гуноҳларнинг энг катталаридир.

Энг маъқул иш

Аллоҳ таолога фарз ибодатлардан кейин энг маъқул иш — мусулмон кишини хурсанд қилмоқдир. (Ҳадис).

Қарз

Дунёда энг аччиқ ва ғамгин нарса — қарздир.

Уйқу ва ўлим

Уйқу — енгил ўлим.
Ўлим — оғир уйқу.

Ўлим ва ҳаёт

Ҳар ким қаердан келганини ва қаерга кетишини билса, ўлим ва ҳаёт унинг учун баробардир.

Доно

Доно одам асир бўлса ҳам амирдир.

Саҳоба

Саҳоба деб Муҳаммад алайҳиссаломнинг тирик вақтларида Ислом динини қабул этиб, ўзларини кўрган мусулмонларга айтилур.

Ёмонлик қайтади

Ёмонлашнинг зиёни ёмонлаган одамнинг ўзигадир.

Эринмаган одамлар

Эркак эзмами, аёл?

АҚШнинг Сан-Франциско шаҳридаги аёллар касалхонаси раҳбари, руҳшунос Луан Бризендин кўп гапириш бўйича тадқиқот ўтказди.

Унинг фикрича, аёллар эркакларга нисбатан уч маротаба кўп гапирар экан. Аниқланишича, аёл кунига 20 минг сўзни ишлатади. Бу эса эркаклар ишлатадиган сўзга қараганда 13 мингта кўп. Шунингдек, аёл эркакка нисбатан тез гапиради.

Қизиғи шундаки, аёллар ўз овозларининг оҳангига маҳлиё бўладилар. Олимнинг фикрига кўра, аёлларда қисқача сўзлашув уларнинг ҳиссиётини уйғотиб юборади. Шу сабабдан аёллар ҳиссий кечинмаларини эркакларга қараганда осонроқ ифодалайдилар.

Тоза ҳаво сотилади



Тоза ҳаво танга даво, деб бежиз айтишмайди. Бироқ тоза ҳавонинг ифлосланишига тутун ва чиқиндилар салбий таъсир кўрсатаётгани тайин. Оқибатда инсон саломатлигига зарар етмоқда. Бир гуруҳ мутахассислар инсонларни тоза ҳаво билан таъминлаш мақсадида ажабтовур кашфиётга қўл урдилар.

Бу кашфиёт АҚШнинг экологик ҳолат оғир худудларида синаб кўрилмоқда. Аҳолига тоза ҳавони етказиб бериш мақсадида оддий коктейллар кислород билан бойитилиб, сотувга чиқарилди. Кислородли коктейлни ҳозирда соғломлаштириш марказлари ва фитнес клублардан харид қилиш мумкин.

Коктейлли кислород Охіа номи билан аталиб, тахминан 40 қултумга етади. Аввалари бу коктейл кучли ҳаяжон ҳолатига тушганлар ва саёҳатчиларга тавсия этиларди. Унинг тоза ҳаво ўрнини босиши ёки боса олмаслиги 20 йилдан сўнг аниқланди.

Қалампирни канда қилманг

Агар инсонлар мана шу ёшдан эсон-омон ўтиб олсалар, яна бир неча йил яшашлари мумкин. Яъни, 65 ёшни қаршилагандан кейин эркаклар 81, аёллар эса 85 ёшгача умр кечирадилар.

Олимларнинг билдиришларича, инсон ҳаётидаги энг муҳим лаҳзалар айнан 65 ёш атрофида кечади. Бунда истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг аҳамияти ҳам муҳим ҳисобланишини тиббиёт ходимлари таъкидлашмоқда. Айниқса, қалампир ейишни канда қилмаслик керак. Чунки қалампирда саратон касаллигига қарши курашувчи хусусиятлар бор. Буни мутахассислар сичқонларда олиб борган текширувлар натижасида аниқлашган.

Бундан ташқари, яшил қалампирда С, қизил қалампирда эса А витаминлари мавжуд экан.

Кўзи ожиз чанғичининг рекорди

Яқинда англиялик 35 ёшли Кевин Алдертон ногирон инсонлар ҳам жаҳон чемпиони бўлиши мумкинлигини исботлаб берди.

У бундан анча йиллар илгари бир аёлни ўғрилардан қутқариши чоғида кўзидан айрилган эди. Шунга қарамай, Кевин спортнинг чанғи учиш тури бўйича икки марта жаҳон рекордини ўрнатди. Кўзи ожиз чанғичи илк рекордини Франциянинг Лес-Аркс шаҳрида ўтган баҳсларда соатига 168 км. тезликда учиб ўрнатганди. Иккинчи рекордни эса Голландиянинг Ландграф шаҳрида қайд этди.

Кевиннинг бундай натижага эришишига асосан дўсти Сьюзан сабабчи. У Кевиннинг қулоқларига тақилган эшитувчи мослама ёрдамида унинг ҳаракатларини бошқариб туради.

Хориж матбуоти хабарлари асосида
Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Сюрприз

Ҳажвия

Янги йил арафасида маликаи давронимиз навбатдаги ташаббус билан чиқдилар:

— Эржон ака, бу йилги байрамни сал бошқачароқ кутиб олайлик, илтимос-ос.

— Қандоқ? — қизиқсиниб сўрадим мен.

— Мен — Қорқиз, сиз — Қорбобо бўлиб, дўстларимиздан биронтасиникига таппа бостириб борсак, сюрпризниям сюрпризи бўларди-да.

Ўйлаб кўрсам, ёмон таклиф эмас. Қўлимда узундан-узоқ рўйхат, бозорма-бозор зир югуриб анча-мунча нарса харид қилишим керак. Ҳамённинг эса таги кўриниб турибди, кеча улфатларга ҳотамтойлик қилворибман. Хонимнинг гапи кўнглимда чироқ ёқиб юборди. «Майли» дедим қувониб.

Хотин зоти уқувли бўлса яхши-да, бинойидек тайёргарлик кўриб қўйган экан, Янги йил кириб келишига чамаси икки соатлар қолганида болаларни қорнини тўйдириб, атаган совға-саломларимизни тарқатдикда, йўлга тушдик. Қаерга денг – келинойингизнинг яқин дугонаси, машҳур тижоратчи Хирмонойникига! Дубайдан кеча қайтибди, байрам баҳона бир яйрайдиган бўлдик-да.

Кетяпмиз. Ясама соқол ўлгур кўчиб, ғашимни келтиради. Таксичи бола ажабтовур шинаванда экан, қанча беришимизни сўрамади ҳам. Йўл-йўлакай қизиқ-қизиқ ҳангомалардан гапириб шунақа кулади, шунақа кулдирадики, машина рули қўлидан чиқиб кетадими, деб хавотирга тушаман. Бир маҳал қарасам... Янгиобод қолиб, Қўйлиқ томонга суряпти.

— Ҳой ука, ҳали отмаганмиз, сизга Янгиободга деганим эсимда бор, — дедим энсам қотиб. Аммо у парво қилмайди.

— Энди акажон, битта эркалигимизни кўтарасизда,— дейди орқага ўгирилиб. — Сизлардан пул олган номард. Шу яқин жойда тураман. Битта окахонимизнинг туғилган кунлари. Олтмишга тўлдилар. Бирров кириб ўтамиз. Йўқ деманг, ака. Умрим бино бўлиб, бунақа хушсурат Қорбобони кўрмаганман. Қорқизга-ку гап йўқ. Кирамизу чиқамиз. Ана ундан кейин Янгиободнинг қаерига десангиз, бош бошқа иложим қолмади.

Етиб келиб, таксичи бола олдинда, биз орқада, тўртинчи қаватга аста кўтарила бошладик. Эшик очиқ экан, ичкаридан гуррос-гуррос кулги-қаҳқаҳа эшитилди. Остонадан ҳатлашим билан соқол ўлгур яна осилиб қолса бўладими? Бир амаллаб тўғриладим. Кирдик. Ёпирай, Худо урди мани. Не кўз билан кўрайки, уйнинг тўрида Мансурхон Маҳмудович виқор билан ўтирибдилар-да! Аъзойи баданимдан тер чиқиб кетди. Ичимдан ўтгани ўзимга маълум, ахир Мансурхон Маҳмудович – бошқармамизнинг минг йиллик бошлиғи-ку! Икки кун аввал тобим йўқлигини айтиб, ишдан жавоб сўраган эдим. Кўзлари ғалати пирпираб "Сен бола, ҳаддингдан ошма, йил адоғида касал бўладиган ходимга тобим йўқ, бу гал майли, аммо яна бир марта шунақа ҳунар қилсанг, ковушингни тўғрилаб қўяман", дегандилар маънодор қилиб. Буёғи энди қандоқ бўлди?

Ҳеч гапдан хабари йўқ Маликаи давронимиз бикинимга туртишни бошлади:

— Бошланг, кеч қоламиз...

Нимани бошлашни билмайман. Қарасам, Мансурхон Маҳмудович алланимадандир ҳижолат тортиб, ўзларини қўярга жой топа олмай турибдилар. У кишини бу ҳолатда асло кўрмаганман. Гўёки, айб қилган мен эмас – Мансурхон ака. «Таваккал» дедимда, бошладим.

— Хурматли Мансурхон Маҳмудович! Муборак олтмиш ёшингиз билан аввало ўз номимдан, бола-чақа, қўйинг-чи, бутун оиламиз номидан табриклайман...

Таксичи ёнимга келиб аста қулоғимга шивирлади:

— Нималар деб довдираяпсиз? Қанақа оила? Шогирдлар номидан табрикласангиз-чи?

Яхшиям, бахтимга, шу «суфлёр-таксичи» бор экан. Эс-ҳушимни йиғдим.

— Сиздан ҳамиша миннатдор шогирдларингиз номидан ҳам табриклайман... Мен сизни ходимларга меҳрибон, ғамхўр, олижаноб бир раҳбар сифатида жуда яхши биламан. Сиз шу чоқ-қача кўл остингиздаги биророта ҳам ходимнинг кўнглини оғритмагансиз. Хаталаримизни кечиргансиз. Ҳозир ҳам ҳар биримизга, айниқса менга, оталарча йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқдасиз. Қачонки ишимиз тушса, тўппа-тўғри олдингизга кирамиз. Шунча йил ишлаб «Йўқ» деган сўзингизни эшитмаганмиз. Минг раҳмат, Мансурхон Маҳмудович!..

Таксичи менга ўқрайиб қаради, оёғимни босиб, бир нима демоқчи бўлаётган эди, Мансурхон ака шартта тўхтатди:

— Фикрини бўлма, гапирсин!

Ана ундан кейин янада жўшиб кетдим.

— Муҳтарам Мансурхон Маҳмудович! Бизнинг бахтимиз шундаки, бошимизда сиздай одамохун, қалби дарё, бағри кенг раҳбар бор. Сиз бор экансиз...

Мансурхон Маҳмудович ийиб кетиб, қўлидаги қадаҳи билан ёнимга келди. Азбаройи терлаб кетганимдан соқол ўлгур бутунлай кўчиб тушди. Мансурхон ака уни бир амаллаб жойига ёпиштиришимга кўмаклашиб, аста қулоғимга шивирладилар:

— Хижолат бўлманг, ука! Ҳозир қўшимча даромад топишнинг уят жойи йўқ. Кейин... у кунги гапларимга парво қилманг. Худо хоҳласа, яхши ниятлар бор ҳали...

Мен, ахмоқ гапни шу жойда тўхтатсам-ку, олам гулистон эди-я. Айбим, бир жўшсам ўзимни босолмай қоламан. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ҳамду санони бўшаштирмай давом эттирдим. Нима дебман денг?

— Сиз меҳрибон раҳбар бўлиш билан бирга, оилапарвар, оиласевар инсон ҳамсиз. Жамилахон кеннойим билан уч ўғил, уч қиз, ўн олти набирани тарбиялаб, ювиб-тараб, вояга етказдингиз Бугун улар...

Мансурхон Маҳмудович негадир қизариб, кўзи олакула бўлиб кетди. Бас қил, дегандай, биқинимга туртиб қўйдилар. Турткининг маъносини тушунмай, тўрда салобат тўкиб ўтирган келинойимга қараб мақтовни янада оширдим:

— Ҳурматли Жамила Мажидовна! Мансурхон акам эришган ютуқларда шахсан сизнинг ҳам катта ҳиссангиз бор...

Гапимнинг давоми оғзимда қолди. Таксичи бола биқинимга дурустгина мушт туширди. Бу ҳам майли, Мансурхон Маҳмудович «Ҳой аблаҳ, нималар деб валдираяпсан ўзингданўзинг?» десалар бўладими? Меҳмонлар бир-бирларига олазарак қарай бошладилар. Жамила кеннойимнинг ранги докадек оқариб кетди, ўрнидан даст турди-да, «Вот как», деб Мансурхон акамнинг юзига пиёладаги ароқни сепиб юборди. Ғала-ғовурда бошлиғимизнинг: «Зиночка, успокойса, бу бола ҳазиллашаяпти, сени кулдирмоқчи», деган гапларини эшитдиму кўзим мошдек очилди. Менга қараб эса: «Айб ўзимда, сен ярамасни аллақачон ҳайдашим керак эди», дедилар. Мана буни қовун тушириш деса бўлади.

Ташқарига қандай чиққанимизни билмайман. Таксичига ҳам қарамай, дуч келган машинани тўхтатиб Янгиободга йўл олдик. Ана, Хирмонойнинг ҳовлиси. Ў-ҳў, ўзиям ҳовлимисан ҳовли бўлибди-да. Дарвозани тақиллатиб ётибмиз, биров овоз берайин демайди. Охири, қоровулсифат бир одам чиқди.

— Хирмоной уйдамилар?

— Йўқлар, поччам билан Қорбобо-Қорқиз бўлиб, Машҳура деганникига янги йил кутгани кетишди...

— Қайси Машҳура? – ҳайрон бўлиб сўради маликаи давронимиз.

— Насияга мол олиб, пулини чўзиб юрадиган Машҳура писмиқ-да,— деди қоровул менга тикилиб қарар экан.

Хотинга бир ўқрайган эдим, довдираб қизарганича ўзини оқлашга тушди:

— Бекорни айтибди, бир тийин қарзим қолган эмас.

«Менга билдирмай, нима ишлар қилиб юрибсан», дейишга оғиз жуфтлагандим, ичкаридан курант овози эшитилиб, хотинимнинг жонига оро кирди-ю: «Адажониси, Янги йилингиз қутлуғ бўлсин», дея ўзини бағримга отди.

Хуллас, Янги йилни Хирмонойнинг дарвозаси ёнида кутиб олдик. У ёқда Хирмоной ҳам дарвозамизнинг олдида эри билан ачомлашиб тургандир-ов...

Аҳмад ОҒА.

«Тонг юлдузи» газетаси жамоаси бўлим муҳаррири Жамила Ҳайдаровага волидаси
МАҲФИРАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси етакчи илмий ходим, кимё фанлари номзоди
Абдулла СУЛТОНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзғўштсутсаноат» уюшмаси жамоаси молия ва ҳисобкитоб бошқармаси бошлиғи Рихсихўжа Дадаевга волидаи-муҳтарамаси
Тошбуви ДАДАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноатлойиҳа» МЧЖ жамоаси бошқарув раиси Илёс Солиҳўжаевга отаси
Илҳом СОЛИХЎЖАЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 23.30 Топширилди — 23.50 1 2 3 5 6